



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI  
HOKIMINING  
QARORI**

2021-yil 29 - январь

24 -son

Guliston sh.

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратида вакант лавозимларга кадрларни очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармониغا асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, қарор қиламан:

1. 2020 йил ноябрь ойидан бошлаб туман (шаҳар)лар ҳокимликлари бошқарув аппаратларида вакант лавозимларга кадрларни очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш тизими тажриба тариқасида жорий этилиб, апробациядан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021 йил 1 февралдан бошлаб вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратида вакант лавозимларга ишга қабул қилиш Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали ([vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz)) орқали амалга оширилсин.

3. Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратида вакант лавозимларга кадрларни очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби 1-иловага, очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимлар рўйхати 2-иловага, танлов комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Келгусида вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати ташкилий тузилмасига киритилиши мумкин бўлган ўзгаришлар инobatга олинган ҳолда очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимлар рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши белгилаб қўйилсин.

5. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Н.Шодиев) бир ҳафта муддатда очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш белгиланаётган

лавозимлар учун малакавий талабларни ишлаб чиқиб, тасдиқланишини ҳамда Ягона миллий меҳнат тизими (my.mehnat.uz)га киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

A handwritten signature in blue ink, appearing to be 'F. Mirzaev', with a long horizontal stroke extending to the left.

Ғ. Мирзаев

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратида  
вакант лавозимларга кадрларни очик мустақил танлов  
асосида ишга қабул қилиш  
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратидаги вакант лавозимларга ишга қабул жараёнида шаффофликни таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур асосида талабгор номзодларни саралаб олиш тартибини белгилайди.

**I-боб. Умумий қондалар**

1. Танлов Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш, малака талабларига мувофиқ энг муносиб номзодни танлаш мақсадида ўтказилади.

2. Мазкур Тартиб талаблари қуйидаги лавозимларга татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига киритилган;

ишга қабул қилишнинг тайинлаш ёки сайлаш тартибида амалга оширилиши, ёки қонунчиликда ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби белгиланганда;

техник ва хизмат кўрсатувчи тоифадаги.

3. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

**меҳнат органи** – Сирдарё вилояти ҳокимлиги (кейинги ўринларда – ҳокимлик);

**вакант лавозим** – меҳнат органи тузилмасида белгиланган, қонунчиликка мувофиқ тегишли малакага эга ходим қабул қилиниши мумкин бўлган бошқарув тоифасидаги бўш турган лавозим;

**номзод** – вакант лавозимга ишга кириш учун ташкилотга электрон тарзда муружаат қилган жисмоний шахс;

**танлов** – мазкур Тартиб талаблари асосида ўтказиладиган, меҳнат органи олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариш бўйича талабларга билими, малакаси, касбий кўникмаси, шахсий-психологик хусусиятлари мослигини аниқлашга қаратилган, меҳнат шартномасини тузишдан олдинги ҳолатлар мажмуи.

4. Танлов меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Тартиб талабларига асосан амалга оширилади.

5. Танловда иштирок этиш учун, қонда тариқасида, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш ҳуқуқи қонунчилик билан чекланмаган ва тегишли лавозимни эгаллаш учун малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қўйилади.

## **II-боб. Танловни ташкиллаштириш**

6. Вакант лавозимларга номзодларни ишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш мақсадида ҳокимликда танлов комиссияси тузилади.

7. Танлов комиссияси таркибига қуйидаги ходимлар киритилади:

ҳокимнинг биринчи ўринбосари;

ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари;

ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари;

бош юрисконсулт (ёки юридик хизмат бошлиғи);

танлов ўтказиладиган бўш лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари.

Заруратга қараб танлов комиссияси таркибига, танлов ўтказиладиган бўш лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

8. Танловни ташкил этиш ташкилий-назорат гуруҳи (комиссия масъул котиби) томонидан амалга оширилади.

9. Танлов комиссияси:

танловда иштирок этиш учун номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади;

суҳбат (зарур ҳолларда имтиҳон, тест синови) ўтказади.

Комиссия масъул котиби:

танловни эълон қилади, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилади;

суҳбат (имтиҳон, тест синови) ўтказилишини ташкиллаштиради;

номзодларни танлов босқичларида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида хабардор қилади.

10. Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

биринчи босқич – танлов ўтказилиши тўғрисида эълон;

иккинчи босқич – ҳужжатларни қабул қилиш ва саралаш;

учинчи боскич – суҳбат (зарур ҳолларда имтиҳон, тест синови) ўтказиш;  
тўртинчи боскич – номзодни ишга қабул қилиш тўғрисида тавсия бериш.

11. Танлов ўтказишда ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи боскичларда видеоёзувли қурилмалардан фойдаланишга рухсат берилади.

### **III-боб. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон бериш**

12. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон:

вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда Ягона миллий меҳнат тизими ([my.mehnat.uz](http://my.mehnat.uz))дан фойдаланган ҳолда Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали ([vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz))да (кейинги ўринларда – сайт);

ҳокимликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги саҳифаларида жойлаштирилади.

Эҳтиёждан келиб чиқиб даврий нашрларда жойлаштирилиши ҳам мумкин.

13. Комиссия масъул котиби вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар ўрнатилган тартибда Ягона миллий меҳнат тизимига жойлаштирилиши ҳамда вакант лавозимни эгаллаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилишини таъминлайди.

14. Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар сайтга жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

15. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг мурожаатларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунини ташкил қилади.

Танловда иштирок этиш бўйича мурожаатлар келиб тушмаган тақдирда, мурожаатларни қабул қилиш муддати автоматик тарзда 10 (ўн) иш кунига узайтирилади.

16. Танловда иштирок этиш бўйича мурожаатларни қабул қилиш фақат номзодлар томонидан сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

Бунда, номзодга бир вақтнинг ўзида учтадан ортиқ бўлмаган давлат вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Номзод хоҳишига кўра, мурожаатга ўз малакасини тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ҳам илова қилиши мумкин.

Мурожаатлар қабул қилишда номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ман этилади.

17. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича мурожаат қилишда ёлгон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланиши уларни танловдан четлатиш учун асос ҳисобланади.

18. Комиссия масъул котиби томонидан мурожаат қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан 3 (уч) иш куни мобайнида:

номзоднинг тақдим этган ҳужжатларини вақант лавозимни эгаллаш бўйича малака талабларига мослиги ўрганиб чиқилади;

ўрганиш натижасида малака талабларига мувофиқ бўлган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига қиритилади, малака талабларига мувофиқ бўлмаган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига қиритилмайди ва ўрнатилган тартибда хабардор қилинади;

номзодлар рўйхати танлов комиссиясига тақдим қилинади ва танлов комиссияси танлов ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

сайт орқали танлов ўтиш жойи ва вақти тўғрисида номзодларга хабар берилиши таъминланади.

Танлов унда иштирок этиш бўйича мурожаатлар қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб 7 (етти) иш куни ичида ўтказилиши лозим.

19. Танлов суҳбат шаклида танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Ҳокимлик томонидан танловда қўшимча тарзда тест ёки ёзма имтиҳон ўтказилиши ҳам мумкин.

Номзоднинг тест саволлари умумий кўрсаткичининг камида 60 фоизига тенг балл тўплаши тест синови натижаларини ижобий деб топиш учун асос бўлади.

20. Танлов ўтказишда шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш мақсадида видеоёзувли қурилмалардан фойдаланилади.

21. Танловни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган қоидага риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиали танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### **IV-боб. Суҳбат ўтказиш тартиби**

22. Суҳбат танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Суҳбатда танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Агар танлов комиссияси аъзоси суҳбатдан ўтаётган шахснинг қариндоши бўлса, суҳбат натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, аъзо ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз бериши шарт.

23. Суҳбат номзоднинг касбий маҳорати ва шахсий фазилатлари вакант лавозимни эгаллаш бўйича малакавий талабларга мос келишини баҳолаш мақсадида ўтказилади. Суҳбатдан муваффақиятли ўтиш учун соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражаси ҳамда етакчилик қобилиятига эътибор қаратилади.

24. Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир номзодга кўпи билан бешта савол беради. Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир саволга берилган жавобни баҳолайди.

25. Ҳар бир номзод билан ўтказилган суҳбат натижалари бўйича ушбу Тартибнинг 1-илоҳасига мувофиқ шаклда суҳбат варақаси тўлдирилади.

26. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси суҳбат варақасида қуйидаги жумлалардан бирини танлаш орқали ўз тавсияларини кўрсатади:

мехнат шартномаси тузиш тавсия этилади;

дастлабки синов муддати билан мехнат шартномаси тузиш тавсия этилади;

мехнат шартномаси тузиш тавсия этилмайди.

27. Ишга қабул қилишда устунлик мехнат шартномаси тузиш бўйича танлов комиссияси аъзоларининг энг кўп ижобий тавсияларини олган номзодга берилади ва ушбу Тартибнинг 2-илоҳасига мувофиқ шаклдаги баённома билан тасдиқланади, агар танлов комиссияси аъзоларининг ижобий хулосалари тенг бўлса, танлов комиссияси раисининг хулосасига асосланиб якуний хулоса берилади.

Қонун ҳужжатларида давлат вакант лавозимга тайинлашда номзодни тегишли юқори турувчи давлат органи билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, комиссия масъул котиби унинг тегишли ҳужжатларини юқори турувчи давлат органига келишиш учун юбориши лозим.

28. Суҳбат вақтида тартиб-таомиллар танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалининг вакили суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этади.

29. Номзодлар танлов комиссияси хулосасидан норози бўлган тақдирда хулоса қабул қилинган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддатда танлов натижалари бўйича комиссия хулосаси устидан ҳокимга, юқори турувчи давлат органига ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Суҳбат ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар суҳбатдан ўтмаган ҳисобланади.

30. Танлов комиссиясининг номзодни ишга қабул қилиш бўйича тавсия берилган (юқори турувчи давлат органи томонидан ижобий хулоса берилган) кундан эътиборан белгиланган тартибда 3 (уч) иш куни мобайнида мехнат органи танлов ғолиби билан мехнат шартномасини тузади.

Агар қонун ҳужжатларида вакант лавозимга тайинлашда номзодни тегишли юқори турувчи давлат органи билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, комиссия масъул котиби юқори турувчи давлат органининг ижобий хулосаси олингандан сўнг танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш чораларини кўради.

Комиссия масъул котиби томонидан 1 (бир) кунлик муддатда танлов комиссиясининг қарори сайтда эълон қилинади ва танлов ғолибини ишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор нусхаси Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалига тақдим этилади.

#### **V-боб. Яқуний қонда**

31. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув  
аппаратида вакант лавозимларга  
кадрларни очик мустақил танлов асосида  
ишга қабул қилиш тартибига  
1-илова

## СУҲБАТ ВАРАҚАСИ

---

(ҳокимлик номи)

---

(номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Т/р	Комиссия аъзоси фамилияси, исми ва отасининг исми	Лавозими	Тавсия	Имзо ва сана
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

Сирдарё вилояти ҳокимлиги бошқарув  
аппаратида вақант лавозимларга  
кадрларни очик мустақил танлов асосида  
ишга қабул қилиш тартибига  
2-илова

## ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ БАЁННОМАСИ

(танлов ўтказиладиган жой)

20 \_\_ й. “ \_\_ ” \_\_\_\_\_

Раис \_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Таклиф қилинганлар: \_\_\_\_\_

### КУН ТАРТИБИ:

\_\_\_\_\_ бўйича ўтказилган танлов ҳақида

Танлов комиссиясининг хулосаси (қабул қилишнинг асослантирилиши):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Изоҳ\*: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Танлов комиссияси раиси \_\_\_\_\_

Танлов комиссияси котиби \_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Баённома билан танишдим \_\_\_\_\_

(танловдан ўтган шахснинг имзоси ва сана)

\*Танловни ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда Филиал вакили томонидан тўлдирилади.

**Очиқ мустақил танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Лавозим номи
1.	Ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти етакчи мутахассиси
2.	Ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти 1-тоифали мутахассиси
3.	Ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти бош мутахассиси
4.	Ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти етакчи мутахассиси
5.	Ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти 1-тоифали мутахассиси
6.	Ҳоким ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи котибиятининг бош мутахассиси
7.	Ҳоким ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи котибиятининг 1-тоифали мутахассиси
8.	Ҳокимнинг кишлок ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг бош мутахассиси
9.	Ҳокимнинг кишлок ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг 1-тоифали мутахассиси
10.	Ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти етакчи мутахассиси
11.	Ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти 1-тоифали мутахассиси
12.	Ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчисининг бош мутахассиси
13.	Тадбиркорлик ва ишбилармонлик мухитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи бош мутахассиси
14.	Ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси

15.	Ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси
16.	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи бош мутахассиси
17.	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи етакчи мутахассиси
18.	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи 1-тоифали мутахассиси
19.	Ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси
20.	Ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси
21.	Ишлар бошқармаси бош мутахассиси
22.	Ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси
23.	Ишлар бошқармаси 1-тоифали мутахассиси
26.	Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия масъул котиби
27.	Ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби

**Танлов комиссияси  
ТАРКИБИ**

Каримов Анвар Расулович	- вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, танлов комиссияси раиси
Шодиев Нуриддин Рўзиқулович	- вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари в.б., комиссия масъул котиби
Тошматов Аброр Эргашалиевич	- вилоят ҳокимлиги ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси
Хайдаров Улугбек Сатторович	- вилоят ҳокимлиги бош юрисконсулти
Лавозимига кўра	танлов ўтказиладиган бўш лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари

**Изоҳ:**

Заруратга қараб танлов комиссияси таркибига, танлов ўтказиладиган бўш лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.